

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МУДОФАА ВАЗИРЛИГИ
ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИ ҲУЗУРИДАГИ ДАВЛАТ
ТЕСТ МАРКАЗИННИГ
ҚАРОРИ

**МУДДАТЛИ ҲАРБИЙ ХИЗМАТГА ЧАҚИРИЛАЁТГАН ЧАҚИРИЛУВЧИЛАР
ТАНЛОВИНИ ҮТКАЗИШ ТАРТИБИ ТЎҒРИСИДАГИ НИЗОМНИ ТАСДИҚЛАШ
ҲАҚИДА**

(Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2016 й., 29-сон, 355-модда)

**[Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2016 йил 20 июлда
рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2318]**

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2006 йил 14 январдаги ПҚ-257-сон карори билан тасдиқланган Ўзбекистон Республикаси фуқаролари томонидан ҳарбий хизматни ўташ тартиби тўғрисидаги низом ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2009 йил 14 январдаги 10-сон «Фуқароларни муддатли ҳарбий хизматга йиғиш ва жўнатиш, уларни ҳарбий қисмларда қабул қилиш, шунингдек Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлари резервига бўшатилган ҳарбий хизматчиларни яшаш жойларига қайтаришни ташкил этиш тизимини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги карорига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги ва Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Давлат тест маркази қарор килади:

1. Муддатли ҳарбий хизматга чақирилаётган чақирилувчилар танловини ўтказиши тартиби тўғрисидаги низом иловага мувофиқ тасдиқлансан.
2. Мазкур қарор расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

Мудофаа вазири К. БЕРДИЕВ

Тошкент ш.,
2016 йил 26 май,
5-сон

Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Давлат тест маркази директори Ж. ИСМАИЛОВ

Тошкент ш.,
2016 йил 26 май,
15/кк-сон

Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги, Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Давлат тест марказининг 2016 йил 26 майдаги 5, 15/кк-сон карорига
ИЛОВА

**Муддатли ҳарбий хизматга чақирилаётган чақирилувчилар танловини ўтказиши
тартиби тўғрисидаги**

НИЗОМ

Мазкур Низом Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2006 йил 14 январдаги ПҚ-257-сон карори билан тасдиқланган Ўзбекистон Республикаси фуқаролари томонидан ҳарбий хизматни ўташ тартиби тўғрисидаги низом ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2009 йил 14 январдаги 10-сон «Фуқароларни муддатли ҳарбий хизматга йиғиш ва жўнатиш, уларни ҳарбий қисмларда қабул қилиш, шунингдек Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлари резервига бўшатилган ҳарбий хизматчиларни яшаш жойларига қайтаришни ташкил этиш тизимини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги карорига мувофиқ, муддатли ҳарбий хизматга чақирилаётган чақирилувчилар (бундан бўён матнда чақирилувчилар деб юритилади) ўртасида танлов ўтказиши тартибини белгилайди.

1-боб. Умумий қоидалар

1. Танлов — бу чақирилувчининг умумжисмоний тайёргарлиги ва билим даражасини аниқлашга қаратилган махсус тадбирлар мажмуасидир.

2. Танлов ўтказишнинг асосий вазифалари қўйидагилардан иборат:

муддатли ҳарбий хизматга чақирилиш учун барча чақирилувчиларга бир хил шарт-шароит яратиб бериш, шунингдек ошкораликни, ижтимоий адолатни ҳамда самарали жамоатчилик назоратини таъминлаш;

муддатли ҳарбий хизматга чақиришда чақирилувчиларнинг билим савиясини ва умумжисмоний тайёргарлик даражасини холисона баҳолаш;

Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлари таркибини соғлом, интеллектуал салоҳиятли, юксак билимга эга чақирилувчилар билан бутлаш.

3. Чакирилувчиларни муддатли ҳарбий хизматга чақириш Ўзбекистон Республикаси Президентининг қарорига асосан амалга оширилади.

4. Чакирилувчиларни тиббий кўрикдан ўтказиш Вазирлар Маҳкамасининг 2003 йил 21 февралдаги 95-сонли карори билан тасдиқланган Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучларида тинчлик ва уруш даврида тиббий текширувдан ўтказиш тўғрисидаги низомга асосан ташкил этилади.

5. Туман (шаҳар) чакириув комиссияси чакирилиш муддатини кечикириш ва чакирилишдан озод этиш хукуқига эга бўлмаган, соғлиғининг холатига кўра ҳарбий хизматни ўташга яроқли деб топилган, шунингдек танловда юқори балл тўплаган чакирилувчиларни муддатли ҳарбий хизматга чақириш тўғрисида қарор чиқаради.

2-боб. Танловни ташкил этиш ва ўтказиш

6. Танлов ўрта махсус, касб-хунар таълими худудий бошқармалари ҳамда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Давлат тест маркази (бундан бўён матнда Давлат тест маркази деб юритилади) билан биргаликда мудофаа ишлари бошқармалари ва бўлимлари томонидан ташкил этилади ҳамда ўтказилади.

7. Чакирилувчиларнинг умумжисмоний тайёргарлигини аниқлаш бўйича синовлар 25 сентябрдан келгуси йилнинг 15 январигача ўтказилади. Тест синовлари 10 октябрдан келгуси йилнинг 15 январигача ўтказилади. Йилнинг 16 январидан 21 январига қадар танлов учун захира кунлари белгиланади.

8. Танловга чакирилиш муддатини кечикириш ва чакирилишдан озод этиш хукуқига эга бўлмаган, соғлиғининг холатига кўра ҳарбий хизматни ўташга яроқли деб топилган чакирилувчилар жалб қилинади.

9. Чакирилувчилар ҳар йилги танловда фақат бир марта иштирок этади.

10. Чакирилувчиларнинг умумжисмоний тайёргарлик даражасини баҳолаш мудофаа ишлари бошқармалари ва бўлимлари томонидан, билим даражасини аниқлаш бўйича тест синовлари Давлат тест маркази томонидан туман (шаҳар) ҳокимининг қарори билан белгиланган таълим муассасаларида ўтказилади.

11. Танлов тадбирларига жамоат тартибини сақлаш учун ички ишлар органлари, зарурий ҳолларда тез тиббий ёрдам кўрсатиш ходимлари жалб қилинади.

12. Танлов Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлигининг умумий раҳбарлиги остида ташкил этилади ва ўтказилади.

13. Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги:

июль ойида танловни ташкил этиш бўйича тегишли кўрсатма, шунингдек дастлабки саралаб олиш режасини тайёрлайди ҳамда 15 июлга қадар ҳарбий округ штабларига юборади;

20 сентябрга қадар ҳарбий округ штаблари томонидан тақдим этилган, мазкур Низомнинг 1-иловасига мувофиқ тест синовларини ўтказиш жадвали, мазкур Низомнинг 2-иловасига мувофиқ аудитория раҳбарлари ва кузатувчиларнинг рўйхати, мазкур Низомнинг 3-иловасига мувофиқ тест синовлари ўтказилиши режалаштирилган бинолар тўғрисидаги маълумотларни умумлаштиради ва Давлат тест марказига юборади;

мудофаа ишлари бошқармалари ва бўлимларида танловни ташкил этиш ва ўтказиш билан боғлиқ тадбирларни жойларга бориб ўрганади ҳамда уларга бу борада амалий ёрдам кўрсатади.

14. Ҳарбий округ штаблари:

Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлигининг кўрсатмаси ва дастлабки саралаб олиш режасини олгач, 25 июлга қадар Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шахри (бундан бўён матнда худудлар деб юритилади) кесимида мудофаа ишлари бошқармаларининг ҳарбий хизматчилари таркибидан тест синовларини мувофиқлаштирувчиларни тайинлайди, танловни ташкил этиш ва ўтказиш тўғрисидаги ҳарбий округ штабининг буйругини қабул қилиб, ижро учун мудофаа ишлари бошқармалари (бўлимлари)га юборади;

Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлигига 5 сентябрга қадар мазкур Низомнинг [4-иловасига](#) мувофиқ шаклда Тест синовларини мувофиқлаштирувчи сифатида тайнинланганлар рўйхатини, шунингдек 10 сентябрга қадар мудофаа ишлари бошқармалари томонидан тақдим этилган тест синовларини ўтказиш жадваллари, аудитория раҳбарлари ва кузатувчиларнинг рўйхатлари ҳамда тест синовлари ўтказилиши режалаштирилган бинолар тўғрисидаги маълумотларни умумлаштириб тақдим этади;

мудофаа ишлари бошқармалари ва бўлимларида танловни ташкил этиш ва ўтказиш билан боғлиқ тадбирларни жойларга бориб ўрганади ҳамда уларга бу борада амалий ёрдам кўрсатади;

октябрь ойининг иккинчи жумасидан бошлаб, кейинчалик ҳафтанинг ҳар жумасида мудофаа ишлари бошқармалари ва бўлимларида ўтказилаётган танлов натижалари ҳақидаги умумлаштирилган маълумотни Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлигига танлов якунлангунига қадар тақдим этиб боради.

15. Мудофаа ишлари бошқармалари:

ҳарбий округ штабининг танловни ташкил этиш ва ўтказиш тўғрисидаги буйруги ҳамда дастлабки саралаб олиш режасини олгач, 1 августга қадар Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликларига танловни ташкил этиш ва ўтказиш бўйича маҳсус тадбирлар режасини тасдиқлаш тўғрисида қарор қабул қилишни сўраб мурожаат этади;

маҳсус тадбирлар режаси тасдиқлангач, унинг нусхасини, шунингдек мудофаа ишлари бошқармасининг тегишли кўрсатмаси ва дастлабки саралаб олиш режасидан кўчирмаларни 5 августга қадар мудофаа ишлари бўлимларига юборади;

5 сентябрга қадар мазкур Низомнинг [5-иловасига](#) мувофиқ шаклда Чакирилувчиларнинг умумжисмоний тайёргарлик даражасини баҳолаш бўйича синовлар ўтказиш жадвалини ишлаб чиқиб, кўчирмасини 10 сентябрга қадар мудофаа ишлари бўлимларига юборади;

мудофаа ишлари бўлимлари томонидан тақдим этилган чакирилувчиларнинг билим даражасини аниқлаш бўйича тест синовларини ўтказиш жадваллари, аудитория раҳбарлари ва кузатувчиларнинг рўйхатлари ҳамда тест синовлари ўтказилиши режалаштирилган бинолар тўғрисидаги маълумотларни умумлаштириб 5 сентябрга қадар ҳарбий округ штабига тақдим этади;

танловга жалб этилган чакирилувчиларнинг умумжисмоний тайёргарлик даражасини баҳолаш тадбирларини ташкил этади ва ўтказади;

тест синовларини мувофиқлаштирувчилар билан биргаликда чакирилувчиларнинг билим даражасини аниқлаш бўйича тест синовларини ташкил этади ва ўтказади;

Давлат тест марказидан олинган тест синовлари натижаларини мудофаа ишлари бўлимларига етказади;

октябрь ойининг иккинчи жумасидан бошлаб, кейинчалик ҳафтанинг ҳар жумасида мудофаа ишлари бошқармалари ва бўлимларида ўтказилаётган танлов натижалари ҳақидаги умумлаштирилган маълумотни танлов якунлангунига қадар ҳарбий округ штабига тақдим этиб боради.

16. Мудофаа ишлари бўлимлари:

1 августдан 30 августга қадар чақириувчиларнинг шахсий йиғмажилдларига мувофиқ чақирув ресурсларини ўрганади;

10 августга қадар туман (шаҳар) ҳокимлигига танловни ташкил этиш ва ўтказиш бўйича маҳсус тадбирлар режасини тасдиқлаш тўғрисида қарор қабул қилишни сўраб мурожаат этади;

1 сентябрга қадар чақириувчиларнинг билим даражасини аниқлаш бўйича тест синовларини ўтказиш жадваллари, аудитория раҳбарлари ва кузатувчиларнинг рўйхатлари ҳамда тест синовлари ўтказилиши режалаштирилган бинолар тўғрисидаги маълумотни мудофаа ишлари бошқармасига юборади, мазкур Низомнинг 6-иловасида келтирилган Муддатли ҳарбий хизматга чақирилаётган чақириувчига эслатмани мудофаа ишлари бўлими худудидаги фуқаролар учун қулай ва кўринарли жойга осиб қўяди ҳамда мазкур Низомнинг 7-иловасига мувофиқ шаклда Чақириувчиларнинг умумжисмоний тайёргарлик даражасини баҳолаш бўйича рўйхат тузади;

мудофаа ишлари бошқармаси билан ҳамкорликда чақириувчиларнинг умумжисмоний тайёргарлик даражасини аниқлаш бўйича синовларни ташкил этади ва ўтказади;

тест синови ўтказиладиган кундан 10 кун олдин мазкур Низомнинг 8-иловасига мувофиқ Тест синовида қатнашувчи чақириувчиларнинг рўйхатини ёзма ва электрон шаклда тест синовларини мувофиқлаштирувчи орқали Давлат тест марказига тақдим этади ҳамда мудофаа ишлари бўлими худудидаги фуқаролар учун қулай ва кўринарли жойга осиб қўяди;

чақириувчилар ва уларнинг ота-оналари билан танловнинг ташкил этилиши ва ўтказилиши билан боғлиқ тарғибот-ташвиқот ҳамда тушунтириш ишлари олиб боради;

чақириувчиларнинг титул варақаларини расмийлаштиради, чақириувчиларни чақириувчилар рўйхатига мувофиқ тест синовларига тўлиқ етиб келишларини таъминлайди, тест синовлари ўтказиладиган кундан бир кун олдин чақириувчининг рухсатномасини чақириувчиларга тарқатади;

йилнинг 30 январига мазкур Низомнинг 9-иловасига мувофиқ икки нусхада Танлов натижаларининг якуний рўйхатини тузади ҳамда унинг биринчи нусхасини мудофаа ишлари бўлими худудидаги фуқаролар учун қулай ва кўринарли жойга осиб қўяди, иккинчи нусхаси эса мудофаа ишлари бўлимида юритиладиган тегишли жилда тикилади;

мазкур Низомнинг 10-иловасига мувофиқ муддатли ҳарбий хизматга танлов варақасини расмийлаштиради. Чақириувчиларнинг якуний рўйхатда қайд этилган тартиб рақами уларнинг танлов варакасига ёзиб қўйилади;

танлов натижалари тўғрисидаги маълумотни чақирув комиссиясига тақдим этади.

17. Давлат тест маркази:

тест материаллари сифатли тайёрланишини таъминлайди;

Давлат тест маркази вакиллари, ҳарбий округ штаби томонидан худудларга тайинланган тест синовларини мувофиқлаштирувчилар, аудитория раҳбарлари ва кузатувчилари билан семинар машғулотларини ташкил этади ва ўтказади;

таълим муассасалари, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари, Давлат тест маркази вакиллари, тест синовларини мувофиқлаштирувчилар, аудитория раҳбарлари ва кузатувчиларни маҳсус йўриқномалар билан таъминлайди;

Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги томонидан белгиланган миқдордаги тест материалларини тест ўтказиладиган кундан уч кун олдин мудофаа ишлари бошқармаларига Давлат фелдъегерлик хизмати орқали, Тошкент шаҳри ва Тошкент вилоятида эса тест синовларини мувофиқлаштирувчи орқали етказади;

чақириувчиларнинг билим даражасини аниқлаш бўйича ташкил этилган тест синовларини назорат қиласида ва мудофаа ишлари бошқармалари ва бўлимларига амалий ёрдам кўрсатади.

18. Муддатли ҳарбий хизматга чақириш мудофаа ишлари бўлимига муддатли ҳарбий хизматга юбориш учун белгилаб берилган режа ва унга ўн фоиз қўшимча миқдоридаги чақириувчилар сонидан келиб чиқсан ҳолда танлов натижаларига кўра юкорироқ балл тўплаган чақириувчилар ҳисобидан амалга оширилади.

3-боб. Чакириувчиларнинг умумжисмоний тайёргарлик даражасини баҳолаш

1-§. Умумий қоидалар

19. Чакириувчиларнинг умумжисмоний тайёргарлиги даражаси уларнинг мазкур бобда назарда тутилган тегишли нормативларни бажаришини текшириш орқали баҳоланади.

20. Чакириувчиларнинг умумжисмоний тайёргарлик даражасини баҳолаш мудофаа ишлари бошқармасининг вакили раҳбарлигига мудофаа ишлари бўлими ҳамда умумтаълим ёки ўрта маҳсус, касб-хунар таълими муассасаларининг мутахассислари томонидан ўтказилади.

21. Чакириувчиларга дастлаб нормативларни бажаришга қўйиладиган талаблар ва мезонлар ҳамда уларни бажариш тартиби умумтаълим ёки ўрта маҳсус, касб-хунар таълими муассасаларининг мутахассиси томонидан тушунтирилади.

22. Умумжисмоний тайёргарлик даражасини аниқлаш бўйича синовларда мудофаа ишлари бўлими қошидаги чақириув тиббий комиссияси томонидан ҳарбий хизматни ўташга яроқли деб топилган чақириувчилар қатнашади.

23. Чакириувчилар умумжисмоний тайёргарлик даражасини аниқлаш бўйича синовларга спорт кийимида келишлари лозим.

24. Чакириувчиларнинг умумжисмоний тайёргарлик даражаси 15 балли шкала бўйича баҳоланиб, ҳар бир нормативга «аъло» баҳо учун — 5 балл, «яхши» баҳо учун — 4 балл, «қониқарли» баҳо учун — 3 балл берилади, «қониқарсиз» баҳо учун балл берilmайди.

25. Чакириувчилар қуйидаги кетма-кетлиқда умумжисмоний нормативларни бажаради:

- турнирда тортилиш;
- 100 метрга югуриш;
- 3 000 метрга югуриш.

26. Белгиланган барча турдаги умумжисмоний нормативлар бир кунда бажараплади.

Нормативлар оралиғида чакириувчиларга дам олиш учун камида 10 дақиқа вақт берилади.

27. Белгиланган нормативларни узрсиз сабабларга кўра топширмаган ёхуд топширишдан бош тортган чакириувчиларга балл берilmайди.

28. Умумжисмоний нормативларнинг бирортасидан «қониқарсиз» баҳо олган чакириувчи тест синовларига киритилмайди.

2-§. Умумжисмоний нормативларни бажаришга қўйиладиган талаблар ва мезонлар

29. Турнирда тортилиш нормативини бажаришда:

қўл кафтлари турнирда олдинга қаратилган ҳолда ушланади, тана бироз ростланади, тизза бўғими тўғриланади, оёқ учлари чўзилади, товоналар бирлаштирилади;

иляк турник устига тўлиқ ўтгунга қадар қўллар букилади;

ҳаракат тўлиқ амалга оширилиши билан дастлабки ҳолатга қайтилади (осилиш ҳолати 1-2 сония давом этади).

Ушбу нормативни бажаришда оёқларни кериш, танани ҳаракатсиз ҳолатда эгиш ҳамда оёқлар билан силтанма ҳаракатлар қилиш тақиқланади.

Жуфт тутилган оёқларни 45^0 гача букишга рухсат берилади.

30. Турнирда тортилиш нормативи қуйидагича баҳоланади:

11 маротаба ва ундан кўп тортилганда — «аъло»;

9-10 маротаба тортилганда — «яхши»;

6 — 8 маротаба тортилганда — «қониқарли»;

1 — 5 маротаба ёхуд умуман тортила олмаганды — «қониқарсиз» деб топилади.

31. 100 метрга югуриш нормативи:

юқори ёки күйи стартдан амалга оширилади;

стадионнинг югуриш йўлакчаси қаттиқ, қопламаси текис жойларда ўтказилади.

32. 100 метрга югуриш нормативи қўйидагича баҳоланади:

14,2 сония ичида бажарган тақдирда — «аъло»;

14,3 — 14,6 сония ичида бажарган тақдирда — «яхши»;

14,7 — 15,8 сония ичида бажарган тақдирда — «қониқарли»;

15,9 сония ва ундан кўп вақтда бажарган тақдирда — «қониқарсиз» деб баҳоланади.

33. 3000 метрга югуриш нормативи стадионнинг югуриш йўлакчалари ёки текис жойларда, умумий ёки алоҳида старт берилган ҳолда ўтказилади. Старт ва марра чизиқлари бир жойда белгиланиши мумкин.

3000 метрга югуриш нормативини бажариш вақтида йўлакчаларни кесиб ўтиш ва юриб ҳаракатланиш тақиқланади.

34. 3000 метрга югуриш нормативи қўйидагича баҳоланади:

12,45 дақиқа ичида бажарган тақдирда — «аъло»;

12,46 — 13,0 дақиқа ичида бажарган тақдирда — «яхши»;

13,1 — 13,35 дақиқа ичида бажарган тақдирда — «қониқарли»;

13,36 дақиқа ва ундан юқори вақтда бажарган тақдирда — «қониқарсиз» деб баҳоланади.

35. Умумжисмоний тайёргарлик синовларида биринчи марта қониқарсиз баҳоланган чақирилувчиларга навбатдаги умумжисмоний тайёргарлик синовларида тегишли нормативни яна бир марта қайта топширишга руҳсат берилади.

36. Белгиланган муддатда узрли сабабларга кўра қатнашмаган чақирилувчилар учун қўшимча умумжисмоний тайёргарлик синовлари захира кунлари мудофаа ишлари бошқармаларида ўтказилади.

Қўйидагилар узрли сабаб ҳисобланади:

чақирилувчининг синовларга келишига имкон бермаган касаллиги;

яқин қариндошининг (қариндош ёки куда томондан қариндош бўлган шахслар, яъни ота-она, туғишган ва ўгай ака-ука ва опа-сингиллар, хотин, фарзанд, бобо, буви, шунингдек хотиннинг ота-онаси, туғишган ва ўгай ака-ука ва опа-сингиллари) вафот этганлиги ёки оғир касаллиги;

чақирилувчига боғлиқ бўлмаган ҳолда унинг синовларга келишига имкон бермаган табиий оғат ёки бошқа ҳолатлар.

3-§. Умумжисмоний тайёргарлик синови натижаларини расмийлаштириш

37. Умумжисмоний тайёргарлик синовларининг натижалари мазкур Низомнинг 7-иловасига мувофиқ шаклдаги рўйхатга киритилади. Рўйхат мудофаа ишлари бошқармасининг вакили, мудофаа ишлари бўлими ҳамда умумтаълим ёки ўрта маҳсус, қасб-хунар таълими муассасасининг мутахассислари томонидан имзоланади.

38. Рўйхатда кўрсатилган баҳолар синов ўтказилган куни чақирилувчиларга ўқиб эшиттирилади ҳамда рўйхат чақирилувчилар томонидан имзоланади.

39. Рўйхат мудофаа ишлари бўлимида 2 йил давомида сақланади, сўнгра ўрнатилган тартибда йўқ қилинади.

40. Умумжисмоний тайёргарлик синови натижасидан норози бўлган чақирилувчи умумжисмоний тайёргарлик синовлари натижаси эълон қилингандан кейин уч иш куни давомида мудофаа ишлари бошқармаси бошлиғи номига ёзма равишда шикоят бериш хукуқига эга.

41. Мудофаа ишлари бошқармалари умумжисмоний тайёргарлик синовлари натижаларидан норози бўлган чақирилувчилар рўйхатини шакллантириб, уларни

навбатдаги умумжисмоний тайёргарлик синовларида синовдан ўтказади ва натижалари бўйича чақириувчиларга ёзма равища асослантирилган жавоб беради.

4-боб. Чакириувчиларнинг билим даражасини аниқлаш

42. Чакириувчиларнинг билим даражасини аниқлаш мақсадида тест синовлари ўтказиладиган бино ва аудиториялар тайёрланади.

43. Биноларни тест синовларига тайёрлаш бўйича жавобгарлик туман (шаҳар) ҳокимининг қарорига асосан биринчирилган таълим муассасаси зиммасига юклатилади.

44. Ҳар бир аудиториядаги ўринлар сони 30 ёки 60 нафар кишига мўлжалланган бўлиши шарт. Аудиториялар етарли миқдордаги столлар, стуллар, тест материалларини тарқатиш ва қабул қилиш учун алоҳида стол билан таъминланган бўлиши лозим.

45. Ҳарбий округ штаби буйруғи асосида тест синовини ташкил этиш ва ўтказиш учун худудлар бўйича камидан бир нафардан тест синовларини мувофиқлаштирувчи тайинланади. Мудофаа ишлари бошқармаларида тест синовларини мувофиқлаштирувчи учун тест материалларини сақлашга алоҳида хона ва сейф ажратилади.

46. Тест синовларини мувофиқлаштирувчи тест материалларини мудофаа ишлари бошқармаларидан, Тошкент шаҳри ва Тошкент вилоятидан тайинланган мувофиқлаштирувчилар Давлат тест марказидан қабул қилиб олиш, тест синовлари ўтказиладиган бинога олиб бориш ва олиб келиш учун масъулдир.

47. Тест топширишга рухсат берилган чакириувчилар тест синовлари ўтказиладиган бинога мазкур Низомнинг [11-илюясига](#) мувофиқ Давлат тест маркази томонидан тақдим этилган Тест синовларида қатнашувчи чакириувчиларнинг аудитория рўйхатига асосан фуқаролик паспорти ва чакириувчи рухсатномаси билан киритилади.

48. Чакириувчилар тест синовлари бошланишидан олдин 30 дақиқа мобайнида жавоблар варақасини тўлдириш тартиби билан таништирилади ва жавоблар варақасининг тегишли жойига ўzlари тўғрисидаги тегишли маълумотларни киритади. Ушбу жараён учун ажратилган вақт тест ўтказиш учун белгиланган вақт меъёрига кирмайди.

49. Тест синови ўтказиладиган кун учун шакллантирилган рўйхатда мавжуд бўлган, бироқ тест синовларига узрсиз сабабларга кўра келмаган чакириувчилар учун қўшимча тест синови ўтказилмайди.

Узрли сабабларга кўра қатнашмаган чакириувчилар учун қўшимча тест синовлари жадвалда белгиланган захира кунларида ўтказилади. Бундай ҳолатларда мудофаа ишлари бошқармалари ушбу чакириувчиларнинг рўйхатини шакллантириб тест синовига қатнашмаганлик сабабини кўрсатган ҳолда Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги орқали Давлат тест марказига 3 кун олдин тақдим этади. Узрли сабаблар рўйхати мазкур Низомнинг [36-бандига](#) мувофиқ белгиланади.

50. Тест синовлари бошланганидан кейин аудиторияга тест синовлари ўтказилишига масъул бўлган шахслардан бошқа ҳеч ким киритилмайди ва чакириувчилар билан тест саволлари бўйича савол-жавоблар ўтказилмайди.

51. Тест синовлари қўйидаги фанлардан ўтказилади ва ҳар бир тўғри жавобга 1 балл берилади:

1-блок: математика фанидан 25 та савол, максимал — 25 балл;

2-блок: она тили фанидан 25 та савол, максимал — 25 балл;

3-блок: Ўзбекистон тарихи фанидан 10 та савол, максимал — 10 балл.

Барча фанлар бўйича максимал — 60 балл йиғилади.

Саволлар китобидаги тест саволларининг сони 60 та, уларни ечиш учун 1 соат 50 дақиқа вақт ажратилади, жавоблар варақасини тўлдириш учун яна қўшимча 20 дақиқа вақт ажратилади.

52. Ҳар бир саволга 4 та («A», «B», «C», «D») жавоблар варианти берилган бўлиб, чакириувчи фақат улардан биттасини белгилаши, кейинчалик жавоблар варақасининг мос фан блокидаги доирачани бўяши керак, ҳар бир саволга битта жавоб белгиланиши шарт.

53. Жавоблар варагаси чақирилувчи томонидан кўк (хаворанг) пастали шарикли ручка билан тўлдирилади.

Жавоблар варагасида тегишли доирачаларни нотўғри белгилаган, жавоблар варагасини алмаштирган, фан блоклари ўрнини алмаштириб бўяган, жавоблар варагасининг тегишли блокларида фамилияси, исми ва отасининг исмини ёзмаган, имзо кўймаган, жавоблар варагаси ракамларини бўяган чақирилувчиларнинг эътирози кўриб чиқилмайди.

Тўлдирилган жавоблар варагаси чақирилувчининг билим даражасини белгиловчи асосий хужжат ҳисобланади.

54. Чакирилувчи тест синовларига микрокалькулятор, лугат, жадвал, китоб, мобиль телефон, компьютер, телекоммуникация воситалари ва шпаргалкалар олиб киришга ҳаракат қиласа ёки олиб кирган бўлса, тест синовлари давомида тест материалларини бошқа чақирилувчига узатса ёки ёрдам берса, тест синови учун ажратилган вақт тугагандан кейин тест материалларини топширишдан бош тортса, тест материалларини аудиториядан ташқарига чиқарса, саволлар китоби варагасини йиртса тест синовлари ўтказиш тартибини бузган ҳисобланади ҳамда тест синовларини мувофиқлаштирувчи иштироқида аудитория раҳбари ва кузатувчилар томонидан мазкур Низомнинг [12-илюласида](#) келтирилган шаклга мувофиқ далолатнома тузилади ва чақирилувчи тест жараёнидан четлаштирилади.

55. Тест синовларини топшириш вақтида чақирилувчининг аудиториядан чиқиши тақиқланади. Аудиториядан сабабсиз чиққан чақирилувчилар тақороран тест синовларига кўйилмайди, бундан соғлиғининг ёмонлашуви ва бошқа узрли ҳолатларга кўра тест материалларисиз, аудитория кузатувчиси назорати остида аудиториядан чиқиш ҳолатлари мустасно.

56. Аудитория раҳбари ажратилган вақт тугаганлиги, жавоблар варагасининг мос равишида фан блокларидаги доирачаларга бўяш учун қўшимча равишида ажратилган 20 дақиқа бошланганлигини эълон қилганда, чақирилувчилар саволлар китоби билан ишлашни тўхтатиб, жавоблар варагасининг мос равишида фан блокларидаги доирачаларни бўяшни бошлаши, ажратилган қўшимча вақт тугагани эълон қилинганда жавоблар варагаси билан ишлашни тўхтатиши шарт.

57. Тест материаллари Давлат тест марказига олиб келинганидан кейин натижага етти иш кунида ҳисобланади.

Давлат тест маркази уч иш куни ичидаги тест синови натижаларини Давлат фельдъегерлик хизмати орқали мудофаа ишлари бошқармаларига етказади. Тест синови натижалари тест синовларини мувофиқлаштирувчи томонидан мудофаа ишлари бошқармаларидан қабул қилиб олинади ва шу куннинг ўзида мудофаа ишлари бўлимларига етказилади.

Тошкент шахри ва Тошкент вилоятида тест синови натижалари чиқарилган кунда тест синовларини мувофиқлаштирувчи томонидан Давлат тест марказидан қабул қилиб олинади ҳамда шу куннинг ўзида мудофаа ишлари бўлимларига етказилади.

58. Мудофаа ишлари бўлимлари тест натижаларини икки иш кунида эълонлар тахтасига жойлаштиради.

59. Давлат тест маркази тест синови ўтказиш жадвалида белгиланган кундан уч кун олдин, чақирилувчиларнинг рўйхати, уларнинг сонига асосан тенг миқдордаги чақирилувчиларнинг рухсатномалари, саволлар китоби, жавоблар ва титул варагаларини Давлат фельдъегерлик хизмати орқали, Тошкент шахри ва Тошкент вилоятида эса тест синовларини мувофиқлаштирувчи орқали бевосита тегишли мудофаа ишлари бошқармаларига етказади.

60. Тест синовлари мазкур Низом талаблари асосида ташкил этилмаса, Давлат тест маркази ходимлари томонидан тест синовлари бекор қилинади ва тест синовларини мувофиқлаштирувчи иштироқида далолатнома расмийлаштирилади.

5-боб. Тест синовларини мувофиқлаштирувчининг вазифалари

61. Тест синовларини мувофиқлаштирувчи тест синови ўтказиш жадвалида белгиланган қундан уч кун олдин Давлат фельдъегерлик хизмати орқали, Тошкент шахри ва Тошкент вилоятида эса Давлат тест марказидан тўғридан-тўғри тест топширувчиларнинг рўйхатини, уларнинг сонига тенг миқдорда чакирилувчи рухсатномаларини, саволлар китобларини, жавоб варақаларини ҳамда титул варақаларини қабул қилиб олади.

62. Тест синовларини мувофиқлаштирувчи тегишли ҳудуд бўйича тест жараёнини ташкиллаштиради ва унга умумий раҳбарлик қиласди.

63. Тест синовларини мувофиқлаштирувчи тест синовларининг ўз вақтида бошланиши ва тугашини қатъий назорат қиласди, тест синовларини адолатли, холисона ва белгиланган талаблар асосида ўтишини таъминлайди.

64. Тест синовларини мувофиқлаштирувчи тест жараёни бошланишидан аввал аудитория раҳбари ва кузатувчилари билан тест синовини ўтказиш бўйича тушунтириш ўтказади. Тест синовлари жараёнида муаммолар бўлганда, зудлик билан Давлат тест марказининг вилоятлардаги доимий вакиллари ёки Давлат тест маркази билан боғланади, муаммони ҳал этиш чораларини кўради.

65. Тест синовларини мувофиқлаштирувчи ҳар ҳафтанинг жума куни тест топширувчиларнинг сонига тенг миқдордаги саволлар китоблари, жавоблар варақалари ва титул варақалари пакетларини муҳрланган ҳолда Давлат фельдъегерлик хизмати орқали, Тошкент шахри ва Тошкент вилоятида эса тўғридан-тўғри Давлат тест марказига етказади.

6-боб. Аудитория раҳбари ва кузатувчиларининг вазифалари

66. Аудитория раҳбари ва кузатувчилари тест синовида жамоатчилик асосида иштирок этади.

67. Тест синови ўтказиладиган аудиторияда тест синовининг мазкур Низом талабларига қатъий риоя этилган ҳолда тўғри ва адолатли ўтказилишини таъминлаш юзасидан жавобгарлик аудитория раҳбари ва кузатувчисининг зиммасига юкландади.

68. Аудитория раҳбари ёки кузатувчиси тест синовларини ўтказиш тартибини бузган тақдирда, улар тест синовларини мувофиқлаштирувчи томонидан тест синовидан четлаштирилади ва далолатнома расмийлаштирилади.

69. Аудитория раҳбари аудитория кузатувчисининг фаолиятини назорат қиласди.

70. Аудитория раҳбари чакирилувчиларни фуқаролик паспорти ва чакирилувчи рухсатномаси асосида текшириб (расмлар шу чакирилувчига тегишлилигига ишонч ҳосил қилиб), рўйхат асосида аудиторияга киритади, тест синови бошланишига етиб келмаган чакирилувчиларни рўйхатга «қатнашмади» деб киритади.

71. Аудитория кузатувчиси жавоблар варақалари ва жавоблар варақаси рақамига мос рақамли саволлар китобларини ҳамда титул варақаларини чакирилувчиларга тарқатади.

72. Аудитория раҳбари чакирилувчиларга саволлар китобининг рақами билан жавоблар варақасининг рақами мослигини ҳамда тест материаллари нуқсонсизлигини текшириб чиқишиларини, жавоблар варақаси ва саволлар китоби муқовасида кўрсатилган тегишли жойга фамилияси, исми, отасининг исмини ёзиб, имзо қўйишлари тўғрисида кўрсатма беради ва уларга тест синовлари топшириш тартибини тушунтиради ва тест синови бошланишини эълон қиласди.

73. Аудитория раҳбари белгиланган вақт ўтгандан сўнг чакирилувчиларга тест синовларига ажратилган вақт тугаганлигини эълон қиласди ва чакирилувчилардан тест материалларини топширишларини талаб қиласди.

74. Аудитория раҳбари тест материаллари йиғиб олинганидан сўнг саволлар китоби ва жавоблар варақасига шикаст етмаганлигини текшириб, чакирилувчи рухсатномасининг тегишли жойини тўлдириб, имзо қўяди ҳамда чакирилувчиларга тест материаллари топширилганлигини тасдиқлаш мақсадида чакирилувчиларнинг рўйхатига имзо қўйдириб, уларни аудиториядан чиқаради.

75. Аудиториядаги барча жавоблар варақаларининг жавоблар варақалари пакетига солиниши учун аудитория раҳбари ва кузатувчиси шахсан жавобгар ҳисобланади. Жавоблар варақаси пакетига қўйидагилар солинади:

тестда қатнашган чақирилувчиларнинг жавоблар варақалари;

ишлатилмаган жавоблар варақалари;

тест синовидан четлаштириш тўғрисидаги расмийлаштирилган далолатномалар, тест синовидан четлаштирилгандарнинг жавоблар варақалари ва титул варақалари;

нуқсонли тест материаллари бўйича расмийлаштирилган далолатномалар;

тест синовига келмаган чақирилувчиларга тегишли титул варақалари.

76. Аудитория раҳбари титул варақалари пакетига тест синовида қатнашган чақирилувчиларнинг титул варақалари ва чақирилувчиларнинг рўйхатини солиб, аудитория кузатувчилари ва чақирилувчилар гувоҳлигида Давлат тест марказининг мухри билан муҳрлайди ҳамда пакет устидаги маълумотларни тўлиқ расмийлаштиради.

Аудитория раҳбари тест синови тугагандан сўнг тест материалларини тест синовларини мувофиқлаштирувчига топширади.

7-боб. Тест синовлари натижаси бўйича берилган апелляцияларни кўриб чиқиши

77. Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳри ҳокимликларининг тегишли қарори билан мудофаа ишлари бошқармаларида апелляция мурожаатларини кўриб чиқиши бўйича апелляция комиссияси ташкил этилади.

78. Комиссия таркибида тест синовларини мувофиқлаштирувчи, умумтаълим ва ўрта маҳсус, қасб-хунар таълими муассасаларидан фанлар бўйича мутахассислар киритилади. Мудофаа ишлари бошқармаси бошлиғи апелляция комиссияси раиси ҳисобланади.

79. Тест синовлари натижасидан норози бўлган чақирилувчи тест синовлари натижаси эълон қилингандан кейин уч иш кун давомида мудофаа ишлари бошқармасида ташкил этилган апелляция комиссиясига ёзма равишда мазкур Низомнинг [13-иловасига](#) мувофиқ тест натижалари бўйича апелляция шикояти бериш ҳукуқига эга.

80. Апелляция шикоятига чақирилувчи руҳсатномасининг нусхаси илова қилинади. Апелляция шикояти қабул қилинганлиги тўғрисида чақирилувчига мазкур Низомнинг [13-иловасига](#) мувофиқ шаклда хабарнома берилади.

81. Чақирилувчи томонидан жавоблар варақаси, саволлар китоби, титул варақаси мазкур Низомда белгиланган тартибда тўлдирилмаган, шунингдек чақирилувчи тест синовидан четлаштирилган бўлса, шунингдек хабарномада белгиланган кун ва вақтда етиб келмаган чақирилувчининг апелляция шикояти кўриб чиқилмайди.

82. Апелляция комиссияси апелляция шикоятини қабул қилиб олган куни Давлат тест марказига апелляция шикоятининг нусхаларини юборади.

83. Давлат тест маркази апелляция шикоятини қабул қилган куни апелляция шикояти асосида чақирилувчиларга тест синови жараёнида тушган саволлар китоби ва жавоблар варақасининг нусхаларини ҳамда тест синовида йўл қўйган нотўғри жавоблари рўйхатини апелляция комиссиясига юборади.

84. Апелляция комиссияси апелляция шикоятини кўриб чиқиши жараёнида Давлат тест маркази вакилларини ҳамда аудитория раҳбари ва кузатувчиларини уларга тегишли масалалар бўйича жалб қилишга ҳақли.

85. Апелляция шикояти кўрилаётган чақирилувчига тест синови жараёнида тушган саволлар китоби ва жавоблар варақасининг нусхаларини ҳамда тест синовида йўл қўйган нотўғри жавоблари рўйхати берилади.

86. Тақдим этилган ҳужжатлар асосида чақирилувчи ўзининг тўлиқ таҳлилини (асосланган ҳолда, яъни мисол ва масалаларни ечган ҳолда) ёзма равишда баён қилади ва қабул қилинган тест материаллари билан бирга апелляция комиссиясига топширади.

87. Апелляция комиссияси икки иш куни давомида апелляция шикоятини кўриб чиқади. Апелляцияни кўриб чиқиши натижаси бўйича баённома тузилади ҳамда баённома апелляция комиссияси раиси ва аъзолари томонидан имзоланади. Апелляция

комиссиясининг баённомасидан кўчирма чақирилувчига топширилади. Апелляция комиссияси қарори Давлат тест марказига тақдим этилади.

88. Апелляцияни күриб чиқыш натижалари бўйича апелляция комиссияси қарори юзасидан чақирилувчи қонун хужжатларида белгиланган тартибда судга шикоят қилиши мумкин.

8-боб. Якуний қоидалар

89. Мазкур Низом талаблари бузилишида айбдор бўлган шахслар қонун хужжатларида белгиланган тартибда жавобгар бўладилар.

90. Мазкур Низом Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги, Соғлиқни сақлаш вазирлиги, Мехнат вазирлиги, Халқ таълими вазирлиги ҳамда Олий ва ўрта маҳсус таълим вазирлиги Ўрта маҳсус, касб-хунар таълим маркази билан келишилган.

Ички ишлар вазири А. АХМЕДБАЕВ

2016 йил 26 май

Соғлиқни сақлаш вазири А. АЛИМОВ

2016 йил 26 май

Мехнат вазири А. АБДУХАКИМОВ

2016 йил 26 май

Халқ таълими вазири У. ИНОЯТОВ

2016 йил 26 май

Олий ва ўрта маҳсус таълим вазирининг биринчи ўринбосари, Ўрта маҳсус, касб-хунар таълими маркази директори У. САЛИМОВ

2016 йил 26 май

Муддатли ҳарбий хизматга чақирилаётган чақирилувчилар танловини ўтказиш тартиби
тўғрисидаги низомга
1-ИЛОВА

Тест синовларини ўтказиш

ЖАДВАЛИ

10.							
ва							
X.К.							

Жами

(лавозими, имзоси, фамилияси, исми, отасининг исми)

20 ____ йил
«____»_____

Муддатли ҳарбий хизматга чақирилаётган чақирилувчилар танловини ўтказиш тартиби
тўғрисидаги низомга
2-ИЛОВА

1-шакл

**Аудитория раҳбарларининг
РЎЙХАТИ**

Г/р	Худудлар номи	Фамилияси, исми, отасининг исми	Фуқаролик паспорти серияси ва рақами	Иш жойи	Лавозими	Телефон рақамлари			Изоҳ
						Ишхона	мобиль	уй	
1.									
2.									

(лавозими, имзоси, фамилияси, исми, отасининг исми)

2-шакл

**Кузатувчиларнинг
РЎЙХАТИ**

Г/р	Худудлар номи	Фамилияси, исми, отасининг исми	Фуқаролик паспорти серияси ва рақами	Иш жойи	Лавозими	Телефон рақамлари			Изоҳ
						Ишхона	мобиль	уй	
1.									
2.									

(лавозими, имзоси, фамилияси, исми, отасининг исми)

Муддатли ҳарбий хизматга чақирилаётган чақирилувчилар танловини ўтказиш тартиби
тўғрисидаги низомга
3-ИЛОВА

**Тест синовлари ўтказилиши режалаштирилган бинолар тўғрисидаги
МАЪЛУМОТ**

T/p	Туман (шахар) номи	Бино номи	Бино манзили	Аудиториялар сони	Тест синовлари ўтказилиши режалаштирилган хоналарнинг сифими ва сони			Чақириувчилар сони	Тест синовлари ўтказиш вақти
					30 талик	60 талик	жами		
1.									
2.									
3.									
ва Х.К.									

(лавозими, имзоси, фамилияси, исми, отасининг исми)

Муддатли ҳарбий хизматга чақирилаётган чақириувчилар танловини ўтказиш тартиби
тўғрисидаги низомга
4-ИЛОВА

**Тест синовларини мувофиқлаштирувчи сифатида тайинланганлар
РЎЙХАТИ**

T/p	Худуд номи	Мувофиқлаштирувчининг			Офицернинг шахсий гувоҳномаси		Телефон ракамлари		Изоҳ
		лавозими	ҳарбий унвони	Ф.И.О.	серияси	раками	иш	мобиль	
1.									
2.									
3.									
4.									

(лавозими, ҳарбий унвони, имзоси, фамилияси, исми, отасининг исми)

Муддатли ҳарбий хизматга чақирилаётган чақириувчилар танловини ўтказиш тартиби
тўғрисидаги низомга
5-ИЛОВА

**Чақириувчиларнинг умумжисмоний тайёргарлик даражасини баҳолаш бўйича
синовлар ўтказиш
ЖАДВАЛИ**

T/р	Худуд номи	Жами	сентябрь			октябрь			ва х.к.
			жами			ва х. к.	жами		
1.									
2.									
3.									
...									
Жами									

(лавозими, харбий унвони, имзоси, фамилияси, исми, отасининг исми)

20 ____ йил «____» _____

**Муддатли ҳарбий хизматга чақирилаётган чақирилувчилар танловини ўтказиш тартиби
тўғрисидаги низомга
6-ИЛОВА**

Муддатли ҳарбий хизматга чақирилаётган чақирилувчига

ЭСЛАТМА

1. Тест синовлариға микрокалькулятор, луғат, жадвал, китоб, мобиЛЬ телефон, алоқа воситалари ва шпаргалкаларни олиб кириш тақиқланади.

2. Тест вақтида чақирилувчилар:

саволлар китоби ва жавоблар варақасини олгандан сўнг жавоблар варақаси рақами билан саволлар китоби рақами мослигини синчилаб текшириб чиқади. Саволлар китобининг тест саволларида типографик хато ёки бошқа сабабларга кўра тўла нашр қилинмаган ўринлар ёки бетлар бўлса, дарҳол аудитория раҳбарига хабар беради. Бунда тегишли далолатнома тузилиб, нуқсонли саволлар китоби унга илова қилинади ва чақирилувчи навбатдаги тест синовига киритилади;

жавоблар варақасини тўлдиришда чақирилувчи факат кўк (ҳаворанг) пастали шарикли ручкадан фойдаланади. Фломастер ва сиёҳли авторучка ва гель ручкадан фойдаланиш ман этилади;

чақирилувчи ўзи ҳақидаги маълумотлар (фамилияси, исми ва отасининг исми)ни жавоблар варақасининг тегишли қисмига ёзади ва имзо қўяди;

чақирилувчи жавоблар варақасининг рақамини чақирилувчи рухсатномасига кўчириб ёзади.

3. Ҳар бир тест саволига факат битта жавоб белгиланади. Агар битта саволга икки ёки ундан кўп жавоб белгиланса, ушбу жавобга балл берилмайди.

4. Тест синовлари қўйидаги фанлардан ўтказилади ва ҳар бир тўғри жавобга 1 балл берилади:

1-блок математика фанидан 25 та савол, максимал — 25 балл;

2-блок она тили фанидан 25 та савол, максимал — 25 балл;

3-блок Ўзбекистон тарихи фанидан 10 та савол, максимал — 10 балл.

Барча фанлар бўйича максимал — 60 балл йиғилади.

Берилган 60 та саволга жавобларни танлаш учун 1 соат 50 дақиқа вақт ажратилади.

Чақирилувчи ўзи танлаган жавобларини жавоблар варақасининг тегишли блокига мос равишда кўчиради. Бунинг учун тестга ажратилган вақтдан ташқари 20 дақиқа вақт берилади.

5. Тўлдирилган жавоблар варақаси чақирилувчининг билим даражасини белгиловчи асосий хужжатдир.

6. Жавоблар варақасининг тўғри тўлдирилиши учун чақирилувчи шахсан жавобгардир.

7. Жавоблар варақасида тегишли доирачаларни нотўғри белгилаган, жавоблар варақасини алмаштирган, фан блоклари ўрнини алмаштириб бўяган, жавоблар варақасининг тегишли блокларида фамилияси, исми ва отасининг исмини ёзмаган, имзо қўймаган, жавоблар варақаси рақамларини бўяган чақирилувчиларнинг эътирози кўриб чиқилмайди.

8. Тест синови пайтида чақирилувчининг аудиториядан чиқиши тақиқланади. Аудиториядан сабабсиз чиққан чақирилувчилар қайтадан тест синовларига қўйилмайди, бундан соғлигининг ёмонлашуви ва бошқа узрли ҳолатларга кўра тест материалларисиз, аудитория қузатувчиси назорати остида аудиториядан чиқиш ҳолатлари мустасно.

9. Тест давомида чақирилувчининг бир-бири билан гаплашиши, жавобларни бир-бири билан маслаҳатлашиши, жавобларни бир-бирига кўрсатиши, тест материалларини бошқаларга узатиши, тест хужжатларидан нусха кўчириши ва бошқаларга ёрдам бериши тақиқланади.

10. Чақирилувчи мазкур қоидаларга риоя қилмаса, у тест синовларини ўтказиш тартибини қўпол равишда бузган хисобланади ва далолатнома тузилиб, тест синовидан четлаштирилади.

11. Чақирилувчиларнинг тест натижалари бўйича эътиrozлари мудофаа ишлари бошқармалари томонидан қабул қилинади.

Муддатли ҳарбий хизматга чақирилаётган чақирилувчилар танловини ўтказиш тартиби
тўғрисидаги низомга
7-ИЛОВА

**Чақирилувчиларнинг умумжисмоний тайёргарлик даражасини баҳолаш бўйича
РЎЙХАТ**

20 ____ йил « _____ » _____

T.p.	Фамилияси, исми, отасининг исми	Тугилган йили	Нормативлар номи			Жами балл	Чақирилувчи имзоси
			3 000 метрга югуриш	Турникда тортилиш	100 метрга югуриш		
			12,45 дақиқа ичида = 5	11 марта = 5	14,2 сония ичида = 5		
			12,46 — 13,0 дақиқа ичида = 4	9 — 10 марта = 4	14,3 — 14,6 сония ичида = 4		
			13,1 — 13,35 дақиқа ичида = 3	6 — 8 марта = 3	14,7 — 15.8 сония ичида = 3		
			13,36 дақиқа ва ундан юқори = 0	5 ва ундан кам = 0	15,9 сония ва ундан юқори = 0		
натижа		баҳо		натижа		натижа	
1							
2							

(ҳарбий унвони, имзоси, фамилияси, исми, отасининг исми)

(ҳарбий унвони, имзоси, фамилияси, исми, отасининг исми)

(имзоси, фамилияси, исми, отасининг исми)

Муддатли ҳарбий хизматга чақирилаётган чақирилувчилар танловини ўтказиш тартиби
тўғрисидаги низомга
8-ИЛОВА

Тест синовида қатнашувчи чақирилувчиларнинг РЎЙХАТИ

20 йил « »

Т/р	Вилоят (республика) коди	Туман (шахар) коди	Фамилияси, исми, отасининг исми	Изоҳ
1.				
2.				
...				

(лавозими, имзоси, фамилияси, исми, отасининг исми)

Муддатли харбий хизматга чақирилаётган чақирилувчилар танловини ўтказиш тартиби
тўғрисидаги [низомга](#)
9-ИЛОВА

Танлов натижаларининг якуний рўйхати

Муддатли харбий хизматга чақирилаётган чақирилувчилар танловини ўтказиш тартиби
тўғрисидаги низомга
10-ИЛОВА

МУДДАТЛИ ҲАРБИЙ ХИЗМАТГА ТАНЛОВ ВАРАҚАСИ

№ _____

Чақирилувчи _____
(фамилияси, исми, отасининг исми)

(тугилган жойи, йили, ойи ва куни)

Ҳарбий хисобда турган жойи _____
(мудофаа ишлари бўлими номи)

I. Давлат тест маркази

1	Билим даражаси	Она тили —	балл	Балларнинг умумий сони
		Математика —	балл	
		Ўзбекистон тарихи —	балл	

II. Мудофаа ишлари бошқармаси ва бўлими

2	Умумжисмоний тайёргарлик даражаси	3 000 м. югуриш (дакиқа сония)	балл	Балларнинг умумий сони
		Турникда тортилиш (марта)	балл	
		100 м. югуриш (сония)	балл	

ЖАМИ УМУМИЙ БАЛЛАР

(балл)

мудофаа ишлари бўлими бошлиги

(туман ёки шахар номи)

(харбий увонни, имзоси, исми ва фамилияси)

20 йил «_____»

М.ў.

мудофаа ишлари бошқармаси бошлиги

(республика, вилоят ёки шахар номи)

(харбий увонни, имзоси, исми ва фамилияси)

20 йил «_____»

М.ў.

Муддатли ҳарбий хизматга чақирилаётган чақирилувчилар танловини ўтказиш тартиби
тўғрисидаги низомга
11-ИЛОВА

Тест синовларида қатнашувчи чақирилувчиларнинг аудитория

РЎЙХАТИ

20__ йилнинг «__»_____

T/р	Фамилияси, исми, отасининг исми	Жавоблар варақасининг рақами	Имзо	Изоҳ
1.				
2.				
3.				
4.				
5.				
6.				
7.				
8.				
9.				
10.				
ва х.к.				

Аудитория раҳбари

(имзо, фамилияси, исми, отасининг исми)

Аудитория кузатувчиси

(имзо, фамилияси, исми, отасининг исми)

Муддатли ҳарбий хизматга чақирилаётган чақирилувчилар танловини ўтказиш тартиби
тўғрисидаги низомга
12-ИЛОВА

Тест ўтказиладиган таълим муассасаси номи	Бино	Қа

Тест синовидан четлаштирилди
ДАЛОЛАТ

20__ йил «__»_____

Биз, қуйида имзо чекувчилар шуни тасдиқлаймизки, чақирилувчи_____

(фамилияси, исми, отасининг исми)
махсус коди _____, жавоблар varaқаси рақами _____

(тест синовларининг бузубини)
соат _____: _____ дақиқада тест синовидан четлаштирилди.

1. Аудитория раҳбари _____
(фамилияси, исми, отасининг исми)
2. Аудитория кузатувчиси _____
(фамилияси, исми, отасининг исми)
3. Тест синовларини мувофиқлаштирувчи _____
исми, отасининг исми

Изоҳ: мазкур далолатнома чақирилувчининг жавоблар варақаси ва титул варақаси билан биргалиқда елимланиб, жавоблар варақаси пакетига солинади.

Муддатли ҳарбий хизматга чақирилаётган чақирилувчилар танловини ўтказиш тартиби
тўғрисидаги низомга
13-ИЛОВА

Апелляция комиссияси раисига _____
(чақирилувчининг Ф.И.О. ва яши)

(уй, мобиль телефонлари рагбати)
**ТЕСТ НАТИЖАЛАРИ БЎЙИЧА
АПЕЛЛЯЦИЯ ШИКОЯТИ**

Худуд номи	Туман (шахар) номи	Гурӯҳ	Махсус коди

Менинг қуйидаги эътиrozларимни кўриб чиқишингизни сўрайман:

1. _____
2. _____
3. _____
4. _____
5. _____
_____ (чақирилувчи) _____ (имзо)
Ф.И.О.)

Ариза 20 ____ йил «____» соат _____ да кўриб чиқилади.
_____ (ариза қабул) _____ (имзо)
килувчи Ф.И.О.)

М.Ў.

(кирқиши чизиги)

ХАБАРНОМА _____-сон

Хурматли _____
(чақирилувчининг Ф.И.О.)

Аризангизни кўриб чиқиш учун 20 ____ йил «____» соат _____ да
_____ га фуқаролик паспорти
(таълим муассасаси номи)

ва чақирилувчи рухсатномангиз билан етиб келишингиз сўралади.

20 ____ йил «____»
(ариза қабул қилувчи Ф.И.О.)